

## **СОГЛОМ МУХИТ –СОГЛОМ ОИЛА ТАЯНЧИ**

**Ахмедова Насиба Ачиловна ЖДПИ катта ўқитувчиси**

**Аннотация:** Ушбу мақола бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бўлиб, оиладаги соғлом муҳит ва ундаги бола шахсининг шаклланиши масалаларига қаратилган.

**Калим сўзлар:** Оила , муҳит,тарбия, муомала, фарзанд тарбияси,ота - она муносабатлари, никоҳ.

Маълумки, оилада ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, оилавий муносабатларда соғлом муҳитнинг юзага келишига болалар тарбиясининг тўғри олиб борилишига, болаларда ижобий фазилатларнинг ва индивидуал-психологик хусусиятларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

XX асрнинг бошларида Туркистон заминида ўтган миллий уйғониш даврининг нафақат адабиёти, балки ижтимоий-сиёсий,маънавий-маърифий ҳаётига ҳам кучли туртки берган қомусий илм эгаси, профессор Абдурауф Фитратнинг“ Оила” рисоласи,мана қарийб юз йилдирки ўз аҳамиятини зарача йўқотмай келаётир,бунинг сабаби, асада илгари сурилган гоя ва муоҳазаларнингинсоний муҳаббат меҳру вафо,оила,никоҳ фарзанд тарбияси,миллат келажаги сингари боқий қадриятларга бағишлилангани билан изоҳланади. Унинг асарида шундай бир хикмат бор:, “қаерда оила мустаҳкам асосга ээга бўлса, шу ердаги халқ баҳтли бўлади”. [1.44].

Кузатишлар шуни кўрсатадики, соғлом муҳитяратиши учун болалар билан муомала-муносабатга киришишда уларнинг психологиясига эътибор қаратиш керак.Ота -онава болалар ўртасидаги муносабатларнинг ижобий тус олиши учун ота-она фарзандлари билан муомала муносабатга киришаётганларида педагогик одобга қатъий риоя қилиш даркор.

Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди.Оиласа хосанъаналар,қадриятлар,урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради,энг муҳими фарзандлар оилавий хаёт мактаи орқали жамият талабларини

англайди, хис этади". [2.76].

Бугунги жараён оила ва мактабда ижтимоий тарбияни қатъий йўлга кўйишни тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, оила асрлар давомида тарбия маскани бўлиб келган. Унда ўзаро ҳурмат, меҳр – оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби олий даражадаги қадриятлар шаклланган, аждоддан авлодга етказилган. Шу сифатлар она сути, оилааъзоларимеҳриванамунаси биланинсонхулқи, хатти – харакатимазмуни гасинги борган.

Шарқ тарбиясининг моҳиятида ота-онага меҳр-муҳаббат, ҳурмат-иззат, эъзоз ётади. Уларни ранжитмаслик, уларга нисбатан хушмуомала бўлиш, истак хохишини вожиб этиш, ҳафа қилмаслик содик ва садоқатлик бўлиш фарзанднинг ота-она олдидаги фарзи ҳисобланади.

Бу борада айниқса оналар, аёллар ана шундай улуғ инсонлардир. Пайғамбарларни ҳам вояга етқазган ана шу аёллар, оналардир. Бинобарин, Муҳаммад пайғамбар таъкидлаб ўтганлари дик, “Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қиласи. Уларни фақат пасткаш одам хорлайди”.

Айниқса онаға нисбатан кўрсатадиган лутф диний нуқтаи назардан ҳам, дунёвий нуқтаи назардан ҳам жуда мураккаб ва масъулиятли. Шунинг учун ҳадислардан бирида Расуллоҳдан умматларидан бири: “Эй Расуллоҳ мен яхшилигимни кимга қилсан бўлади? - деб сўраганда “Онангга”, дейдилар, шу савонни уч марта такрорлаганларида ҳам “Онангга” деган жавобни олади. Тўртинчи маротаба эса “Отангга ва яқин қариндошларингга деган жавобн олади. Ҳадислар ҳар бир инсонни она деган улуғ зотни ниҳоятда эъзозлашга чақидаи, уларнинг ҳаққига фарзандлар қанчалик савобли ишлар қиласа ҳам, онанинг фарзандини дуёга келтиришдаги тўлғоқларидан биттасига баробар эмаслигини. Уларнинг онигига таъсирли тарбиявий ифода йўли билан етказади.[3.64].

Дарҳақиқат. Бола шахсининг шаклланишида бутун ижтимоий воқейлик ҳусусан унинг ўзи туғилиб ўсган оила муҳити ҳал қилувчи вазифани бажаради. Оиладаги турмуш маданияти, меҳнат характери ота-

онанинг ахлоқий савияси,ижтимоий масалага,боланинг комил инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатади.

Унга кўра, оила аъзоларининг ва мурабий ўқитувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш зарур.Шундагини оила,маҳалла ва мактабда тарбия олиб вояга етаётган авлод ижтимоий фаол ўз мустақил фикрига ва воқеа-ходисаларга муносабат билдирувчи шахслар бўлиб вояга етади.

Азал-азалдан ёшлар тарбияси бутун жамоатчилик шугулланиб келган. Бундай усул фақат бизда бор,унинг умидбахш имкониятларидан бугун унумли фойдаланмоқ зарур.

Ижтимоий психологик муҳит ва унинг соғлом бола тарбиясига таъсирида ота – онанинг роли бекиёсdir. Айниқса глобаллашув даврида оиласидаги ижтимоий психологик муҳит ва унинг соғлом бола тарбиясига таъсирибугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб, оиласидаги илиқ психологик иқлимини яратишда ота-онанинг, айниқса онанинг ахамияти катта эканлиги хаммамизга сир эмас. Бунда бола ёши психологик хусусиятлари холатлари оиласидаги психологик иқлимхисобга олиниши лозим.Боланинг ёши холатини яхшироқ тушуниш учун унинг ўрнига ўзимизни кўйиб кўрсакгина унинг психик оламини холатини,хохишистагини англаб етамиз.

Шундай экан, Оила қанчалик иноқ, уюшган ва мустаҳкам бўлса, унинг норматив таъсири ҳам шунчалик самарали бўлади. Бундай оиласада ўзининг қадриятларидан ташқари, жамиятнинг қадриятлари, қонун-коидалар ва нормалар ҳурмат қилинади, бола бошидан жамиятда яшашга ўргатилиши зарур. Оиласада бола тарбиясида хар бир харакатни кузатиб бориш керак,лекин ҳадеб танбех беравермаслик ёки майда-чуйда ишларга фақат “норозилик кўз” билан қараш керак эмас. Балки ўша камчиликларни бартараф этиш йўлларини қидириб топиш, болага сабр-тоқат билан буни тушунтириш зарур.Ҳозир замон шиддат билан ўзгариб бораётган, болалар тарбиясига, руҳиятига таъсир этадиган воқеа-ходисалар кўплаб рўй бераётган бир пайтда ота-оналар фарзандлари тарбиясига ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари

лозим. Болага қаттиқ гапириб, танбех бериш керак эмас. Уларга яхши гапириб, ишонч билдирилса, кўпроқ самара беради.

Маълум бўлишича соғлом бола оналик ва соғлом турмуш тарзига психологияк шакллантиришнинг асосий ўчофи – ота – она оиласи бўлиб, биринчи ўринда она, унинг ижтимоий установкаси, она – бола муносабатлар тизими, оила турмуш тарзининг бир бутунлиги хисобланади. Оилада фарзандлар тарбияси билан кўпроқ оналар шуғулланадилар. Унинг аҳамияти шундаки, фарзанд мактабгача тарбия муассасасида ҳам, кейинчалик мактаб, лицейда ўқигандა ҳам тартибли, интизомли, айтилган вазифа, берилган топшириқларни масъулият билан вижданан баждарадиган бўлиб, болалар жамиятида ҳамиша ўзининг ўрнига эга бўла олади.

Оила инсонларга хос бўлган ахлоқий қадриятлар ўзаро хурмат, ишонч, муҳаббат, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйгуларининг конкрет шаклда намоён бўлишини таъминлашда онанинг вазифаси муҳим. Бола аклли, одобли, меҳнатсевар, ҳалол, иймонли, инсофли бўлишидан ота-онагина эмас, балки биринчи навбатда бутун жамият манфаатдордир. Чунки, жамиятнинг тараққиётини, инсониятнинг ёрқин истиқболини маънавий етук, жисмоний соғлом ёшларгина таъминлай олади. Оилада камол топган бола нафақат жисмонан, балки муайян маънавий фазилатларни эгаллаган, ижтимоий ва хуқуқий бурчини англаган инсон сифатида тарбияланади. Инсоннинг асосий моҳияти маънавият экан, унинг дастлабки куртаклари ҳам оиладаги тарбия жараёнида шаклланади.

В.С.Торохтий ўз тадқиқотларида Оила психологик саломатлигиниг асосий мезонллари сифатида қуидагиларни кўрсатиб ўтган оилавий қадриятларнинг бир-бирига мос келиши, функционал-ролли ўзаро мувофиқлик, ижтимоий -ролли адекватлик, микроижтимоий муносабатларга мослашувчанлик, эмоционал тўйинганлик, оилавий муносабатларниг узок давомэтишига интилиш[3.88].

Оила ва унинг соғлом маънавий муҳити соғлом болани жамиятда яшашга, ўзига ўхшаш шахслар билан муроса қилиш, ҳамкорлиқда фаолият

юритиши, касб-хунарли бўлиш, муомалада аҳлоқ-одоб нормаларига бўйсунишга ўргатади, психологик жиҳатдан тайёрлайди.

Шунингдек, Она фарзандига ҳаётнинг максади ва маъносини, турмушда учрайдиган мураккаб вазиятларни тушунтириши, турли ишларни тўғри бажариш қоидаларини ўргатмоғи лозим. Баъзи оналарда ҳаётий тажриба етишмаслиги сабабли қизлар ношуд, баъзан эса енгилтак бўлиб қоладилар. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар қандай меҳнат шарафли эканини, ҳалол меҳнат қилган киши юксак, қадрланишини. Меҳнатдан қочадиган аҳлоқсиз одамларни ҳеч ким хурмат қиласликларини, бошқалар ҳисобига яшаш умуман ақлли, зукко одамга тўғри келмаслигини, мактабда ота-оналарининг сухбатларидан ва уларнинг кузатишларидан иложи борича эртароқ билиболишилари лозим. Она фарзандини ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли соҳалардаги меҳнат фаолиятига тайёрлаш асосан мактабнинг ўрта синфларида амалга оширади. Айрим оналар “Хали қизим ёш, ўйнаб кулсин, уй ишларини, одатларимизни ўрганадиган вақти келар, дейдиларки, бу нафақат нотўғри, балки зарарли ҳамдир. Олимларнинг таъкидланишича, ижобий одатлар болада қанча эрта шакллантирилса, унинг меҳнат ва идрок этиш қобилияти шунча тез ву мукаммал ривожланади. Болани ёшлигиданоқ пок табиатликка, мустақилликка, саранжом-саришталикка ўргатилса ҳам қиз учун фойдали бўлади. Шу билан бирга боладаги мухим фазилатлардан бири одоб, шарму – ҳаё бўлиб, номусли, ориятли бўлиш тушунчалари ҳам оналар томонидан ўргатилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, соғлом бола мустаҳкам оила таянчи, мустаҳкам оила эса жамиятнинг, давлатнинг таянчидир. Оилада соғлом бола тарбияси, унинг ҳаётида бахтли бўлиши учун оилада илиқ психологик иқлим яратилиши лозим .

### **Адабиётлар рўйҳати**

- 1.Мустаҳкам оила маънавияти А.Абдусамедов ва бошқалар. Сано-стандарт нашриёти 2012 й.446
- 2.О.Мусурмонова ва б. Маънавий баркамол шахсни шакллантириш-жамият

- тараққиётининг асоси.Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти ,2008й 64 б
- 3.B.C. Торохотий.Выделениеи подробное описание: Психология социальной работы с семьей-М.:1996.88 с
- 4.Kamolova, S. (2021). ПРОБЛЕМА РАСШИРЕНИЯ И РАЗВИТИЯ НАУЧНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2692>
- 5.Shirin Kamolova, ПСИХОЛОГИЯ ТАРИХИ ДАРСЛАРИДА ФАРОБИЙНИНГ “АҚЛ ТҮГРИСИДАГИ” РИСОЛАСИ, Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №67 (science.i-edu.uz, jsipi.uz)
- 6.Shirin Kamolova, ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ДУНЁ?АРАШИННИ БОЙИТИШ МУАММОЛАРИ , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №51 (science.i-edu.uz, jsipi.uz)
- 7.Shirin Kamolova, РОЛЬ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ НАУЧНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ И ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОЙ ЛИЧНОСТИ , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №51 (science.i-edu.uz, jsipi.uz)
- 8.Shirin Kamolova, Feruza Yusupova, THE IMPORTANCE OF COGNITIVE PROCESSES IN THE FORMATION OF A SCIENTIFIC WORLDVIEW AMONG STUDENTS, Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №17 (science.i-edu.uz, jsipi.uz)
- 9.Shirin Kamolova, Формирование научное мировоззрения студентов , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №25 (science.i-edu.uz, jsipi.uz)
- 10.Shirin Kamolova, Иқтидорли ўқувчилар тарбияси ва айрим жиҳатлари, Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №68 (science.i-edu.uz, jsipi.uz)
- 11.Shirin Kamolova, Шахс шаклланишида оиласинг ижтимоий психологик жиҳатлари , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №78 (science.i-edu.uz, jsipi.uz)
- 12.Shirin Kamolova, Баркамол авлодни тарбиялашнинг устувор йўналишлари, Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №51 (science.i-edu.uz, jsipi.uz)

13. Shirin Kamolova, Педагогические взгляды Абу Али ибн Сины (Авиценны), Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №78 ([science.i-edu.uz](http://science.i-edu.uz), [jspi.uz](http://jspi.uz))
14. Shirin Kamolova, Ёшларга модул тизими асосида таълим беришнинг аҳамияти, Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №79 ([science.i-edu.uz](http://science.i-edu.uz), [jspi.uz](http://jspi.uz))